

А Ж Р И М

(ярашганлиги муносабати билан жиноий
жавобгарликдан озод қилиш ҳақида)

2020 йил октябрь ойининг 13 куни жиноят ишлари бўйича Фарғона вилояти Олтиариқ туман судининг очик суд мажлиси ўз биносида бўлиб,

Раислик қилувчи Х.Қосимов,

М.Исмоналиевнинг котиблигида, тарафлардан Олтиариқ туман прокурори катта ёрдамчиси М.Иномхонов, ҳимоячи-адвокат Р.Абдурахмонов, гумон қилинувчи А.Махаммаджонов, жабрланувчининг қонуний вакили В.Абдурахмонов, фуқаровий даъвогар Х.Бакиров иштирокида, Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 169-моддаси 1-қисми билан гумон қилинган Махаммаджонов Азизбек Бахтиёр ўғлига нисбатан 1-1514-2001/68-сонли жиноят ишини кўриб чиқди.

Махаммаджонов Азизбек Бахтиёр ўғли,
1994 йил 29 декабрда, Олтиариқ туманида
туғилган, ўзбек, Ўзбекистон фуқароси,
маълумоти ўрта-махсус, уйланмаган,
судланмаган, ишламайди, Олтиариқ тумани,
“Жўрак” МФЙ, Келарчи кўчаси, 72-уйда яшайди.

Суд, жиноят иши бўйича жабрланувчи ва фуқаровий даъвогарнинг ярашиш тўғрисидаги аризасини иш материаллари билан бирга кўриб чиқиб, гумон қилинувчи, жабрланувчининг содир этилган жиноят ҳолатлари юзасидан кўрсатувларини ва тарафларнинг фикрларини тинглаб, қуйидагиларни

а н и қ л а д и :

2020 йилнинг 18 июнь куни соат 19 ларда гумон қилувчи А.Махаммаджонов ўзи назоратчи бўлиб ишлайдиган Олтиариқ тумани, Сергут М.Ф.Й., Қўйигузар кўчасида жойлашган сунъий қопламали футбол майдончасидаги кийим алмаштириш хонасидаги вояга етмаган А.Валижоновга тегишли бўлган қиймати 1.000.000 сўм бўлган “Samsung A3” русумли уяли телефонини, А.Валижонов футбол ўйнаётганлигидан фойдаланиб яширин равишда талон тарош қилиб, орадан ўн беш кун ўтганидан кейин телефон аппаратини ўзининг таниши Х.Бакировга 400.000 сўм эвазига сотиб юбориб, пулни шахсий эҳтиёжлари учун ишлатиб юборган.

Тумани ИИБ ходимлари томонидан олиб борилган тезкор-қидирув ҳаракатлари давомида Х.Бакировдан “Samsung A3” русумли телефон аппарати ашёвий далил тариқасида олинган.

Суд мажлисида гумон қилинувчи А.Махаммаджонов, судга ярашиш тўғрисидаги ариза билан мурожаат қилиб, ўз айбига тўлиқ иқрорлигини,



қилмишидан чин кўнгилдан пушаймонлигини, жабрланувчига етказилган зарарларни тўлиқ қоплаганини, ҳозирда жабрланувчи билан ўзаро ихтиёрий равишда ярашиб олганлигини айтиб, ўзини жиноий жавобгарликдан озод қилиб, жиноят ишини тугатишни сўради.

Суд мажлисида жабрланувчининг қонуний вакили В.Абдурахмонов, судга ярашиш тўғрисидаги ариза билан мурожаат қилиб, А.Махаммаджоновга нисбатан ҳеч қандай даъвоси йўқлигини, ҳозирда набирасига тегишли уяли телефон аппарати қайтарилганини, ярашув аризасини ўз хоҳиши билан ёзганлигини, унга бирон-бир тазйиқ бўлмаганлигини, ярашув суд томонидан тасдиқлангандан кейин келиб чиқадиган ҳуқуқий оқибатларни тушунганлигини, А.Махаммаджонов билан ихтиёрий ярашиб олганлигини айтиб, А.Махаммаджоновни жиноий жавобгарликдан озод этишни сўради.

Суд мажлисида фуқаровий даъвогар Х.Бакиров, судга ярашиш тўғрисидаги ариза билан мурожаат қилиб, А.Махаммаджоновга нисбатан ҳеч қандай даъвоси йўқлигини, пуллар унга қайтарилганини, ярашув аризасини ўз хоҳиши билан ёзганлигини, унга бирон-бир тазйиқ бўлмаганлигини, ярашув суд томонидан тасдиқлангандан кейин келиб чиқадиган ҳуқуқий оқибатларни тушунганлигини, А.Махаммаджонов билан ихтиёрий ярашиб олганлигини айтиб, А.Махаммаджоновни жиноий жавобгарликдан озод этишни сўради.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 66¹-моддасида “Ушбу кодексининг 169-моддаси 1-қисмида кўрсатилган жиноятни содир этган шахс, агар ўз айбига иқроор бўлса, жабрланувчи билан ярашса ва етказилган зарарни бартараф этса, жиноий жавобгарликдан озод қилиниши мумкин” деб кўрсатилган.

Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 84-моддаси 4-қисмида, “Жабрланувчи Жиноят кодексининг 66¹-моддасида назарда тутилган жиноятлар тўғрисидаги ишлар бўйича гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчи билан ярашган тақдирда жиноят иши ушбу Кодекснинг 62-бобида белгиланган тартибда суд томонидан айблилик тўғрисидаги масала ҳал қилинмасдан туриб тугатилиши мумкин” деб кўрсатилган.

Суд, Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 585-моддаси талабларидан келиб чиқиб, ярашиш тўғрисидаги ариза ихтиёрий равишда берилганлигини, гумон қилинувчи А.Махаммаджонов ўз айбига ихтиёрий иқроор бўлганлигини, қилмишидан пушаймонлигини, жабрланувчига етказилган моддий зарарлар тўлиқ қопланганлигини, жабрланувчи ва фуқаровий даъвогарнинг унга нисбатан ҳеч қандай даъвоси йўқлигини, тарафларни ярашув битимига розилиklarини инобатга олиб, Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 84-моддаси 4-қисмига асосан А.Мухаммаджоновнинг айблилик масаласини ҳал қилмасдан туриб, жиноий жавобгарликдан озод қилиб, жиноят ишини тугатишни лозим деб топди.



Юқоридагиларга кўра, Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 582-583, 585-586–моддаларига амал қилиб, суд

а ж р и м қ и л д и :

Махаммаджонов Азизбек Бахтиёр ўғлига Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 169-моддаси 1-қисми билан жиноят иши тарафларнинг ярашганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 84-моддаси 4-қисмига асосан тугатилсин ва А.Махаммаджонов жиноий жавобгарликдан озод қилинсин.

Жабрланувчининг қонуний вакили В.Абдурахмонов, фуқаровий даъвогар Х.Бакировга ярашув суд томонидан тасдиқлангандан кейин келиб чиқадиган ҳуқуқий оқибатларни тушунтирилганлиги инобатга олинсин.

Ажримдан норози тарафлар ўн кун муддат ичида жиноят ишлари бўйича Олтиариқ туман суди орқали жиноят ишлари бўйича Фарғона вилоят судига хусусий шикоят ва хусусий протест келтиришлари мумкин.

Раислик қилувчи

Х.Қосимов



Раислик қилувчи
аслига тўғри

имзо

Х.Қосимов

Жиноят ишлари бўйича
Олтиариқ туман судининг раиси

Х.Қосимов

